


Жисмоний шахсларнинг валюта операциялари бўйича ҚИСҚАЧА ШАРҲ

I. Трансчегаравий пул ўтказмалари.

2025 йилнинг январь-июнь ойларида чет элдан мамлакатимизга **келиб тушган** пул ўтказмалари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 27 фоизга (1,8 млрд долл) кўпайиб, 8,2 млрд долларни ташкил қилди (1-диаграмма).

Маблағларнинг 78 фоизи Россиядан (6,4 млрд долл) келиб тушган бўлиб, қолган қисми Қозоғистон, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Буюк Британия, Қирғизистон, Литва ҳамда бошқа мамлакатлар ҳиссасига тўғри келди.

1-диаграмма. 2024-2025 йилларда келиб тушган халқаро пул ўтказмалари ҳажми, млн доллар




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

2025 йилнинг I ярим йиллигида Ўзбекистонга келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг ўсишига меҳнат муҳожирлари ишлайдиган анъанавий мамлакатларда ишчи кучига талаб ва иш ҳақларининг нисбатан юқори даражада сақланиб қолиши билан бир қаторда, миллий валюта курсларининг мустаҳкамланиши таъсир қилди.

Ташқи меҳнат миграцияси географиясида диверсификация жараёнлари давом этиб, бу ривожланган мамлакатлардан Ўзбекистонга келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмлари ўсишида намоён бўлди.

Хусусан, трансфертлар ҳажми Буюк Британиядан 2 баробар, Европа Иттифоқи мамлакатларидан 41 фоизга (*Ирландия 2,8 баробар, Литва 79 фоиз, Нидерландия 44 фоиз, Польша 20 фоиз*) ҳамда АҚШдан 15 фоизга ошди (*2-диаграмма*).

2-диаграмма. 2024-2025 йй. январь-июнь ойларида ривожланган мамлакатлар кесимида келиб тушган пул ўтказмалари, млн доллар



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Ушбу даврда жисмоний шахсларга келиб тушган маблағларнинг 4,3 млрд доллари (*53 фоизи*) анъанавий халқаро пул ўтказма тизимлари орқали (*2024 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 22 фоиз*), 3,6 млрд доллари (*44 фоизи*) хориждан жисмоний шахсларнинг банк карталарига тўғридан-тўғри – Р2Р ўтказмалар орқали (*ўсиш 40 фоиз*) ҳамда 251 млн доллари (*3 фоизи*) банк ўтказмаси – SWIFT орқали (*камайиш 22 фоиз*) амалга оширилган.

2025 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистондан чет элга **юборилган** пул ўтказмалари ҳажми ўтган йил даражасида сақланиб қолиб, 1,2 млрд долларни ташкил қилди.

II. Валюта айирбошлаш операциялари.


2025 йилнинг I-ярим йиллигида банклар ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги чет эл валютаси олди-сотди операциялари айланмасининг умумий ҳажми 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 24 фоизга (2,8 млрд долл) кўпайиб, 14,5 млрд долларни ташкил этди.

Мазкур даврда банклар томонидан жисмоний шахслардан 9,1 млрд доллар миқдоридаги ёки 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 27 фоизга кўп **чет эл валютаси харид қилинган**.

Банклар томонидан жисмоний шахсларга **сотилган** чет эл валютаси ҳажми 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 18 фоизга ўсиб, 5,4 млрд долларга етди (3-диаграмма).

Валюта олди-сотди операцияларининг 58 фоизи ёки 8,4 млрд доллари (2024 йил I-ярим йилликка нисбатан ўсиш 16 фоиз) валюта айирбошлаш шохобчалари, 41 фоизи ёки 5,9 млрд доллари (ўсиш 36 фоиз) масофавий хизмат кўрсатиш (*online*) ва қолган 252 млн доллари (ўсиш 32 фоиз) 24/7 режимда фаолият кўрсатувчи банкоматлар орқали амалга оширилган.

3-диаграмма. 2024-2025 йй. январь-июнь ойларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмлари, млн доллар



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Натижада, банклар томонидан жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси ҳажми уларга сотилган валюта ҳажмига нисбатан 3,7 млрд долларга кўп бўлди. Бу ўз навбатида, ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.